



АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЯНГИЛАНИШ ВА БУНЁДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 14 июнь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро заминига сафарини Ромитан туманидаги «Саттор-Камол» фермер хўжалиги дала-ларини кўздан кечириш билан бошлади. Абдурахим Сатторов раҳбарлигидаги мазкур фермер хўжалигининг 26 гектар майдонида гўза баравж ўсаётган бўлса, 8 гектардаги галлага уроқ тушган. Ҳаётда янги олинётган вақтда ҳосилдорлиги гектар бошига ўртача 64 центнерни ташкил этаётди. Хўжалик аъзолари янги хирмонни 50 тоннадан оширишни мўлжалламоқда.

Ўртбошимиз фермер ва механизаторлар билан суҳбатлашди. Фермерлар юртимиз истиқболли таъминлайдиган, унинг оғир юкига елкасини тута оладиган қудратли қўлга айланаётган бизни қувонтиради, — деди давлатимиз раҳбари. — Ҳақиқий деҳқон, аввало, ер билан тиллаша билиши, унинг дардига малҳам бўла олиши, шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг қонун ва талабларини чуқур англаб етиши ва уларга қатъий амал қилиши лозим. Шунда у ўз олдига қўйган мақсадга эришиши мумкин.

Жорий йилда Бухоро вилоятида фермер хўжалиқларининг умумий сони ўн беш мингга етди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўла фермерлар зиммасига ўтди. Бу йил бухоролик мириш-

корлар 127 минг гектардан зиёд майдонда гўза парвариш қилмоқдалар. 61 минг гектар ердаги галла эса жадал сурьатлар билан ўриб-ийгиб олинмоқда. Вилоят пиллакорлари давлатга 2 минг 783 тонна «кумуш топа» топириб, шартнома мажбуриятини ошири билан бажардилар.

— Фермерлик ҳаракати ўзини оқламақда, — деди Ўртбошимиз фермерлар билан суҳбатда. — Ишончли коммуни, яқин орада мамлакатимизнинг забардаст фермерлари дунёнинг илгор давлатларидаги мулкдорлардан қолишмайдиган бўлади.

Президентимиз Абу Али ибн Сино тўғилган Пешку туманидаги Афсона қишлоғида бўлиб, улуг аллома музейини кўздан кечирди.

— Дунё мамлакатларида бугунги кунда ҳам тиббиёт асослари Абу Али ибн Сино қолдирган мерос асосида ўқиб-ўрганилаётгани маълум, — деди Ўртбошимиз. — Бу — улуг бозимизнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган бемисл ҳиссасининг жаҳоний эътирофидир. Шу маънода музейни янгидан янги экспонатлар билан бойитиш, бунда тарихий ҳақиқат мезонларидан келиб чиқиб иш тутиш зарур.

Ислам Каримов ўтган йил ишга туширилган Афсона тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди. Улуг аллома музейи, унинг ҳайкали ўрнатилган майдонга

таш мазкур мажмуа — 540 ўринли замонавий билим даргоҳи — барча қўлайликларга эга. Бу ерда умумий амалиёт ҳамширалари ва диагност-лаборантлар тайёрланади. Шинам ётоқхона, минглаб нусхадаги китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, компьютер ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ўқувчилар ихтиёрида.

Ўртбошимиз ўқувчилар билан суҳбатда уларни мақсад сари дадил интилишига ва қийинчиликлардан чўчимасликка даъват этди.

Коллеж ўқувчилари мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятида барча шарт-шароитлар яратилган мана шундай таълим масканлари бунёд этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Ислам Каримов Баҳоуддин Нахшбанд ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

Ўртимизда барча соҳалар қатори маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия жабдаларида кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аждоғларимиз қадамжоларини ободонлаштириш, улар қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиб, тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қилар экан, бу муборок зот мангу қўним топган ушбу маскан барчамизни эзгуликка чорловчи муқаддас

қадамжоб бўлиб қолаверишини таъкидлади. Зиёратгоҳ ҳудудида воҳа иқлим шароитига мос сўлим ва сероса даракларни кўпроқ экиш лозимлигини тавсия этди.

Ўртбошимиз Бухоро шаҳрининг янги бош меъморий лойиҳаси билан танишар экан, замонавий бино ва иншоотлар қурилиши қадимий обидаларга уйғун ҳолда олиб борилиши зарурлигига эътиборни қаратди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари маҳаллий иқлим шароити ва меъморчилик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов «Бухоро гилами» Ўзбекистон Буюк Британия қўша қорхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ишга туширилганига энди бир йил бўлган қорхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати беш юз минг квадрат метр гилам маҳсулотларини ташкил қилади. Айни пайтда унда уч юз элик нафар киши иш билан банд. Замонавий технологиялар асосида тўқилаётган бежирим гиламларга буюртмалар тобора кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбари қорхона ишчилари билан суҳбатда махсулот ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқлар билан чекинмай қолмасдан, қорхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш зарурлигини қайд этди.

«Сомоний» деҳқон бозори — Бухоронинг қадимий йирик

ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ



Ҳар қандай жамиятнинг барқарор тараққиоти ва истиқболли еш авлод таълим-тарбиясига боғлиқ. Етук даражада таълим олган ёшлар юксак аҳамиятга молик вазифаларни амалга оширишга қодир бўлади. Баркамол авлод ўз халқининг орзу-умидларини рўёбга чиқаради — демократик тамойилларга асосланган кучли даваат, эркин жамиятни барпо этади.

Мустақиллик ўзбек халқига ана шундай авлоднинг вояга етказиш имкониятини яратиб берди. Ватан озодлиги — аждоғларимизнинг асрий орузи буюк келажакимизга мустақкам пойдевор ташлади.

Бу йил биз энг улуг ва энг азиз сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлаймиз. Бу қутлуг байрамни муносиб қутиб олишга ўзини шу халқнинг фарзандиман, деган ҳар бир инсон бурчлидир. Зотан, Мустақиллик айёми барчамизники, бутун халқимизнинг шодибенасидир.

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик

қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, кўнглимдан юқоридаги фикр-туйғулар кечди. Беихтиёр, ўн олти йил ичида Ўзбекистонда биргина таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш борасида амалга оширилган ва бугунги кунда изчил давом эттирилаётган бемисл ишларни кўз олдими келтирдим. Ҳа, ўн олти йил тарих саҳнасида бир нафаслик мўддат, бунёдкорлик ишларининг қўлағи эса асрларга татиғуликдир. Ушбу муваффақиятларни кенг тарғиб ташвиқ этиш, Мустақиллик кунини қўтаринки қайфиятда байрам қилиш эса халқимизнинг руҳига рух, гайратига гайрат қўшиши, кадр-хизмати, гуруҳини янада юксалтириш шўбасиз.

Давлатимиз раҳбарининг

мазкур Қарориди: «Истиқлолнинг еш авлод тақдирида, уларнинг замонавий дунёқарши, билим ва тафаккурни, фаол гражданлик позициясини шакллантириш, истеъод ва қобиллатини рўёбга чиқариш, еш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг иш-лаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш» зарурлиги алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётган нуфузли илмий анжуманларда, жаҳон чемпионатлари ва халқаро кўрик-танловларда юқори натижаларни кўрсатган йигит-қизларимиз билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

(Давоми 2-бетда)

ҚАЛБ ЧАРОҒОН ТОРТГАН ЎЛКАДА...

...одамлар бурунгидек кун ўтинга ишламайди. Ҳаракатида баракат борлигини билиб, тинимсиз изланиш билан банд.

Меҳнатлари самарасини кўриб туришибди. Деярли ҳар бир хонадонда мустақиллик даврининг «енгли уловлари» гижинглаб турибди. Тадбиркорнинг, ишбилармоннинг қўлидаги телефони бир зум тинмайди, улар дам олиш соатларида ҳам иш битиришга одатланиб қолишган. Лоқайдликдан, бепарволикдан асар ҳам қолмаган. Бугун мудраб қолган киши эртага насибасидан айрилиши таянди. Қўн-қўнда барчага баробар, ҳақ ўз жойида қарор топмоқда. Шундай бўлган, ишлаб чарчамасиз, ўзингизга, эртанги кунингизга ишонч дилингизни еритиб турин.

Мустақиллигимиз ҳақида ўйласам ота-боболаримизнинг қўналиқига йўғрилган: «Бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор», деган доно нақли ёдимга тушаверади. Эҳтимол, бир замонлар тирикликка, бир бурда нону, бир қўтум сув бе-

миннатлигига айтилгандир, бу сўз. Бироқ халқимизнинг ушбу доно иборасида сабр-бардош, ёруғ кўнлардан умидворлик, истиқболга ишонч балкиб туради. Ватанимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг бу сингари қанотли ибораларнинг ҳаётда амалини кўриб, руҳимиз бардам, чехрамиз ёруғ бўлди, қадди-басиятимизни тиклаб олди.

Ҳар қандамда урф-одат, миллий анъаналарга эътибор баланд. Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит кўнлари халқона айема айлиноб ўтувди. Юртдошларимиз байрам сайилларига, ҳайит намозларига эмин-эркин бора-яптилар, ҳеч ким уларнинг йўлини тўсаетгани йўқ. Бундан халқимиз гоятда миннатдор. Айниқса, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Фармони минглаб оилаларга қувонч ва шодлик бахш этди. Ҳотам феълли, қўли оқ инсонлар, хомийликни, соҳаватпешалиқни кўнлига тукканлар бир четда жим туришгани йўқ. Кам таъминланган оилалар, боқувчиларни йўқотганлар, ногиронлар, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг улар эътиборидан бошлари осмонда. Кўнлиг кўнлидан сув ичиб, қалблар чароғон тортаётгани еш авлод қалбиди инсоний фазилатлар тарбия топаётгани билан гоятда аҳамиятлидир.

Истиқлолнинг 16 йиллигини барқарор тинчлик, тўқинчилик, тўй-томашлар билан қарши олаётган элимизнинг қувончу ташвишларини, бунёдкор меҳнат билан бандлигини кўриб юрак халқиради. Ҳалол меҳнати эвазига келган иқболга, омадига кўз темасин дейсан. Ахир, бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Салом МУРОДОВ, Пешку туман Марказий шифохонаси бош ҳақими



Мамлакатимизга Мароқаш энергетика ва тоғ-кон sanoati вазирлиги Мухаммад Буталиб раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Поитахтимиздаги «Туркистон» саройида эркин кураш ва яккакурашчи қизлар ўртасида «Машриқзамин маликаси-2007» республика кўрик-танлови яқунланди. Танловнинг бош совринни — Гран-прига тазвондо бўйича тўрт қарра Ўзбекистон чемпиони Дилобар Сайдуллаева сазовор бўлди. Бухоро шаҳридаги амфитеатрда «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Самарқанд шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Биз — фаровон келажак бунёдкорларимиз» танлови яқунланди. Тошкентдаги Миллий санъатлар марказида «Болажонлар ширинтойлар-2007» республика болалар модаси фестивали бўлиб ўтди. Танловга Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Нуркус, Самарқанд ва Тошкентдан 28 нафар модельернинг ишлари тақдим этилди. Ўзбекистонлик ҳамкасблари иходи билан танишиш учун Россия ва Чехия

ТЕЗКОР, ТЕЖАМКОР ВА ҚУЛАЙ

Поитахтимиздаги Миллий матбуот марказида «PAYNET» компанияси томонидан жорий этилган «PAYNET Mobile» — янги тулов технологияси тақдимида бағишланган тадбир бўлиб ўтди. 2006 йил август ойида фаолият бошлаган «PAYNET» компанияси республикамиз аҳолисида телекоммуникация ва бошқа хизмат турлари учун туловлар қабул қилиш ҳамда ушбу туловларни хизмат кўрсатувчи ташкилотларга етказиб беришни муваффақиятли амалга оширмоқда. Жорий йилнинг июнь ойидан эса компания янада қўлай «PAYNET Mobile» технологиясини тақдим эта бошлади. Янги тулов усулига кўра, миңлабар алоқа хизмати учун пулни махсус пунктларга бериб эмас, шахсий уяли телефон аппарати ёрдамида тулашади. «PAYNET»нинг бу хизмати юридик шахслар учун мўлжалланган бўлиб, уяли телефонга махсус дастур ўрнатилиши керак. Бунинг учун, аввало, патент олинди, банкдан ҳисоб рақами очилади. Сўнг компания билан шартнома тузилади. Янги тулов тизими тезкорлиги, вақтни тежаши билан аҳамиятлидир. Абдурахмон АРЗНҚУЛОВ

Фракция йиғилиши ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА


Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги мажлиси кун тартибига биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишида, шунингдек, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ва долзарб масалалардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидландики, иқтисодиётимизнинг асосини солиқ сийосати ташкил этиб, ўтган 15 йилда солиқ тизимида илгор тажрибалар тўпланди. Сугурта тизими эса мамлакатимизда босқичма-босқич шакллантириб борилаётган. Қонун лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан тайёрланган. Қарорда мол-мулк ва ҳаётини узоқ муддатга сугурталаш бўйича муқофотлари солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 19-, 58-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Республика Президентининг «Аудиторлик ташкилотларини фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар қўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни

Партия кўзгуси МУҲИМИ - ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР



«Адолат» СДП Андижон вилоят Кенгаши, унинг қўйи ташкилотлари, фаоллари томонидан сиёсий партияларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда аъзолар сафини кенгайтириши, бугунги ушбу ислохотлар даврида уларнинг фаоллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган муайян савъ-ҳаракатлар олиб борилаётгани.

Еш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-хунар эгаллашига бўлган эҳтиёжларини қондириш биринчи галдаги вазифа сифатида вилоят Кенгашининг доимий диққат-эътиборида. Бу борада вилоятда қатор муносабати билан вилоят Кенгаши томонидан бир қатор тадбирлар ўтказиб келинаётди. Масалан, яқинда Андижон ва Булоқбоши туманларида болаларга вилоят ва туман Кенгашларининг совғалари топширилди. Ушлаб кич-

кинтойларга оромгоҳларда мароқли дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилди. Андижон шаҳридаги «Тожи» ва «Озод» маҳалла фуқаролар йиғинларида уюштирилган тадбирларда эса кам таъминланган оилаларга вилоят Кенгаши, Андижон Давлат тиббиёт институти ҳамда Солиқни сақлаш бошқармаси томонидан хомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Қолаверса, партия фаоллари кўмағида Андижон туманидаги Бўтақора қишлоғида иккита хонадон таъмирланди, Марҳамат туманида ҳўкўнроқ қуриб фойдаланишга топширилди. Йил бошидан буён юздан ортиқ кам таъминланган оила вакиллари тиббиёт институти клиникасида бепул даволанди.

Яқинда Андижон шаҳрида яшовчи бир фуқаро Кенгашига ариза билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, бундан бир неча йиллар аввал унинг турмуш ўртоғи вафот этган, тўрт нафар ёш фарзанди билан эридан қолган уйда истикомат қилиб келишар экан. Қарангки, турмуш ўртоғининг қариндошлари уй таллашиб судга беришибди. Партия аралашуви билан масала ижобий ҳал қилинди. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Бироқ, муҳими бу эмас. Муҳими — халқнинг ишончи ва эътибори.

Мухаммадшўхур ЮСУПОВ, «Адолат» СДП Андижон вилоят Кенгаши иккинчи котиби

ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиклолнинг дастлабки кунларидан оқиб авлод тарбияси, таълим тизимидаги ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йуналиши сифатида белгилаб кўйилди.

Академик лицейда ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида тадбиркор ишлари изчил йўлга қўйилган.

Ўтган йиллар мобайнида лицейимиз ўқувчиларининг фан чуққиларини эгаллаш ҳамда спортда кўлга киритган ютуқлари бәрнамизни қувонтирди.




Хулоса ўрнида айтсак, бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз — Истиклол яратиб берган бемисл имкониятлардан самарали фойдаланиб...

Бугунги кунда мамлакатимизда мингга яқин ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассаси бўлиб, уларда юз мингга яқин ўқувчи таълим олмақда.

Ташкил топганига ўн бир йил тўлаётган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи мисолида ҳам таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини кўриш мумкин.

Ижтимоий ролик — жамият кўзгуси



“Бунёдкор” ёшлар телеклуби ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ҳамкорлигида “Ёшларнинг кўмағида ижтимоий роликлар тайёрлаш ва улар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш орқали маънавий онгини ошириш” мавзусига бағишланган уч кунлик семинар-тренинг...

Ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги мавжуд 5 та сиёсий партиянинг фаол вакиллари ҳамда телеклубда ролик тайёрлаш билан мунтазаси шугулланувчи мутахассислар қатнашди.

Ҳақида батафсил маълумот берилди. Айтиш ўринлики, роликларни тайёрлаш жараёнида танланган мавзуда чуқур гоа, унга мос мусиқа, таъсирчан сўзлардан фойдаланиш керак бўлади.

Илҳом ЖУМАНОВ

ТАДБИР ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА СЕМИНАР

Пастдаргом туманидаги Тиббиёт коллежида «Адолат» СДП вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан “Жамият тараққиётида хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрни ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” мавзусида кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлиги вакиллари, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари, талаба ёшлар, мураббийлар иштирок этди.

Семинарда жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавий юксалтириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш бўйича республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида сўз борди.


И.ҚУРБОНОВ, “Адолат” СДП Самарқанд вилоят Кенгаши котиби

САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ОДИМЛАРИ ҳам тадбиркорга, ҳам истеъмол бозорига наф келтирмақда

Буюк Ипақ йўлининг гавжум нуқталаридан бирида жойлашган Самарқанд тумани азадан уста ҳунармандлар, оқил тадбиркорлар юрти бўлиб келган.

Ўқитиб берилмоқда. Айтганча, шугина эмас, Бехрўз Салоҳиддинов бошқараётган «Оригинал Макс Люкс»нинг ўз дурдогорлик, гишт цехлари ҳам бор.

Хорижий ҳамкорлар билан экспорт шартномаси асосида ишлаётган «Агролир» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси бултур 50 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавотни қабул қилиб сифатли қайта ишлади.



Ҳар иккала корхонада ҳар кун 3-4 мингга идиш қурилмалар тайёрланиб, миҳозларга сотилмақда.

«Оригинал Макс Люкс» фермер ҳўжалиги 50 гектар майдонда деҳқончилик қилишидан сақлабгина қолмай сувни тежайди, юқори унумдор...

Кўзгун мунозара тарзида ўтган семинарда муҳоама қилинган масала юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Яқинда банкдан 300 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Туман иқтисодиётига дастлабки 150 минг АҚШ доллари миқдорига сармоя киритган «Сам Рос Агро» қўшма корхонаси эса юз фоиз маҳсулотни экспортга чикариши мўлжаллаган.

Зохир ТУРАКУЛОВ, “Адолат” муҳбири

Партия кўзгуси ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ташаббус ва масъулият билан ишлашни талаб этади. дейишмоқда “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши фаоллари

Бугун юртимизда кенгаётган янгиликлар жараёнлари, амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар республикадаги мавжуд сиёсий партиялар олдида гоятда муҳим вазифаларни қўймоқда.

Туманимизда илгари 90 нафар партия аъзоси бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сон 270 нафардан ортиди.

Партия кўзгуси

Илгирликда партия Сиёсий Кенгашининг 2007 йил 2 майдаги Ижроия Қўмита мажлисида қабул қилинган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг кўмағида ижтимоий роликлар тайёрлаш ва улар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш орқали маънавий онгини ошириш» мавзусига бағишланган уч кунлик семинар-тренинг...

Чил амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўиш, фуқаролар, айниқса, партияимиз аъзоларида дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш олдимизда турган ўта муҳим ва масъулиятчи вазифалар саналади.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада қилинаётган амалий ишларни янги босқичга кўтарди.

Партия кўзгуси

Ҳар қайси партия, аввало, халқ орасида обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилади. Ишни ўз ҳолига ташлаб қўиш эса унинг нуфузи, маъкиёга пурте этказиши.

Касаначилик БАРЧА УЧУН МАНФААТЛИ

Бугун Бухоро вилоятида кимдир отамерос қасбининг этганини тутиб буртомта асосида ажойиб хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаётган бўлса, яна кимдир бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришининг урдачидан қасқоққа.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада қилинаётган амалий ишларни янги босқичга кўтарди.

Дарҳақиқат, пилла хомашёси учун халқ таълим тизимининг тақомиллаштириш бораётгани иш унми ва сифатининг яхшилланишига олиб келмоқда.

У.НАВРЎЗОВ

ИНТЕРНЕТ-БАНК ТАРМОФИ

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар банклари ўз хизмат даражаларини кенгайтирган ҳолда миҳозларига интернетдан фойдаланишининг энг мақбул йўлини тавсия қилишмоқда.

Ж.ҚУРБОНОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

ДУО ОЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Қудратилла уйига шом оққанида уйчан кириб келди. Турмуш ўрғотганида бу ўзағирнинг сезган Шаҳодат: “Нима гап, дадаси? Тинчликми?”, дея сўради хавотирланганча.

Маҳалла йиғилишидан келаямсан, — деб жавоб берди Қудратилла. — Туман ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вакиллари мамлакатимизда тadbбиркорликка кенг йўл очилгани, маҳаллада кичик бизнес ёки хусусий тadbбиркорлик билан шугулланаман, деган кишиларга ҳар томонлама ёрдам беришларини айтишди.

Уш кунлик эр-хотин ўзаро маслаҳатлашиб, тadbбиркорлик фаолиятини бошлашга — оила бюджетини ҳисобидан хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этишга қатъий қарор қилишди. Ҳовилиларининг кўча томонидаги кенг хоналарда кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, новвойликни йўлга қўиш, кейинчалик фирма фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштириши.

Бугунги кун одамлари

Қудратилла ишбилармон ва савоатли тadbбиркор сифатида ном қозонган, — дейди “Хўжалиқсиз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Жумаев. — Унинг ташкилотчилиги ва фидойилиги билан туманимизда бир қанча ободончилик ишлари олиб борилмақда. Тагин, маҳалламизда хайрли тadbбирларни кўнғилдагидек ёрланган сифатли нон ва турли хил кондитер маҳсулотларига талабдорлар кундан кун ошиб боради.

Интернет-банк тармоғи учта асосий онлайнлар орқали хизмат қилади. Унинг ёрдамида миҳозлар ўз компьютер орқали банк тармоғига уланиши, telephone — bankingда эса интерактив усуллар орқали банк хидматлари билан мулоқотда бўлиш мумкин.

Европа мамлакатлари ичида банк операцияларини интернет тармоғи орқали олиб боришда Англия етакчили қилаётир. Германия эса кейинги йилларда қимматли қоғозлар бозорини интернет-брокер хизмати билан фойдаланувчилар сон 500 минг кишига ортиган.

ТАДБИРКОРНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

янги корхона ва иш ўринлари очишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, энг муҳими турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатининг кун сайин ривожланиб бораётгани бозорда соғлом рақобат асосида сифатли маҳсулотларнинг муомалага чиқарилишига, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, банк муассасаларининг тадбиркор ва фермерларнинг ишончли ҳамкори, таянчига айлангани бу борадаги кенг қамровли ишларнинг жаддалашувига хизмат қилмоқда.

Акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг Жиззах вилоят бошқармаси ва унинг бешта филиали томонидан 4250 дан ортиқ мижозга юксак даражада банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. 18 та минч банкнинг янгидан ташкил қилинган иш эса вилоятнинг энг чекка ҳудудларида иш олиб бораётган яққа тартибдаги тадбиркорлар ва фермерлар учун катта қулайлик яратди. Айниқса, банк томонидан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлиги ривожлантириш, яққа тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш

орқали янги иш ўринлари яратиш буйича қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқдаки, бу қишлоқ жойларида аҳолининг микроолиявий хизматлардан самарали фойдаланишига, аҳоли турмуш тарзининг фаровонлашишига ҳисса бўлиб қўшилимоқда. Биргина 2007 йилнинг биринчи чорагида 373,9 миллион сўмлик микрокредит, 372,4 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди, 31 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиш учун 28 миллион сўмлик микрокредитлар берилди.

жорий йилнинг дастлабки 3 ойидеяк 144 нафар тадбиркор аёлга 244,3 миллион сўм кредит ажратилди. Унинг 79,4 миллион сўми савдо, 49 миллион сўми саноат, 44,2 миллион сўми маиший ва сервис хизмат кўрсатиш соҳасида, 54,4 миллион сўми чорвачиликка ва 39,7 миллион сўми қишлоқ ҳужайра-лини ривожлантиришга йўналтирилди.

— Микрокредит ва микролизинг хизматлари асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёллар ибратли ишларни амалга оширмоқда, — дейди банкнинг вилоят бошқармаси раҳбари Малик-шо Усупов. — Галларолик Манзура Эшматова бошчилик қилаётган хусусий корхонага микролизинг асосида 14 миллион 215 миң сўмлик тикув машина ва дастгоҳлари олиб берилган эди. 24 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхона жамоати тикув машиналарини ўрнатганидан уч ой ўтар-ўтмас, 12 миллион сўмлик тикувчилик-зардўзлик буюмларини ишлаб чиқаришга эришди. Тиниб-тинчимас тадбиркор аёл ўзи ишлаб чиқараётган 18

хил турдаги бадий каштачилик, зардўзлик, қуроқчилик ва тикувчилик маҳсулотлари билан "Ташаббус — 2007" қуриқ-танловининг республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Айни пайтда Манзура Эшматова 15 нафар аёлни касаначилик шартномаси асосида ишга жалб қилган. Бундан ташқари, корхона қошида ташкил қилинган тикувчилик курсида 60 нафар ёш қизларга тикувчилик сирларидан сабоқ берилляпти.

Зафаробод туманилик Насиба Дархоновага қарашли "Қутбиддин-Узлишо" хусусий фирмаси 5 миллион сўм микрокредит олиб, қаровисз бинони таъмирлади, янги тикув дастгоҳлари ва мебеллар билан жиҳазлаб меҳмонхона ва маиший хизмат хизмати масканига айлантирди. Микрокредит олганидан сўнг 7 ой ичида фирма 9 миллион 765,5 миң сўмлик турли хил тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарди ва маиший-сервис хизматлари кўрсатди.

— Банкнинг биз, тадбиркор аёлларга кўрсатаётган хизматлари ва қулайликларидан жуда мамнунмиз, — дейди Жиззах

Махдумиш хушридаги "Неапол кўрми" хусусий фирмаси раҳбари Дилшода Юлдошева. — 4 миллион 800 миң сўм микрокредит олиб, тикувчиликка тайёрлайдиган ўқу курсини ташкил қилдим. Мана, 6 ойда 12 миллион 350 миң сўмлик тикувчилик буюмлари ишлаб чиқардик. Олинган микрокредитлар учун ҳар ойда туланадиган устама фоиз ва асосий туловларни ўз вақтида тўлаб бораёلمиз.

Банк қишлоқ ҳужайлиқ техникалари харид қилиш, товуқхона ва иссихоналар ташкил этишда ҳам фермер ҳужайлиқларининг яқин қумақдошига айланган. Қиска вақт ичида 12 та фермер ҳужайлиқ ҳар бирининг шартномавий қиймати 25 миллион сўмлик "Беларус-80Х" русумли тракторлар, 2 та фермер ҳужайлиқга 244 миллион сўмлик "Класс Доминатор-130" галла ўриш комбайнлари, 55 миллион сўмлик паррандачилик комплекси ва 10 миллион сўмлик иссихона курилиши лойиҳалари тўлиқ молиялаштирилгани сўзимиз тасдиғидир. Бундан ташқари,

Тошкент шаҳрида ўтказилган "AgroMiniTech EXPO-2006" халқаро кўргамасавдосида қатнашиб, замонавий технологиялар олиш учун шартнома имзолаган "Кавсар-Бехишт" фермер ҳужайлиқига ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган (14,5 миллион сўмлик), "Давр-М" хусусий корхонасига сутни қайта ишлайдиган (21 миллион сўмлик), "Элтинди" фермер ҳужайлиқига эса сув қадоклаш (25 миллион сўмлик) ускуналари лизинг асосида олиб берилди.

"Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!" Вилоят акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк" жамоаси хозирги кунда ана шу шир азосида қатъият ва изчиллик билан фаолият кўрсатмоқда. Бу билан вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳолига қулай банк хизматлари ташкил қилган ҳолда янгилашган ва ўзгариш сари илдам одимламоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, "Адолат" мухбири

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Сербия: Айбловни рағ эмгу, бироқ...

Хорватиялик сербларнинг собиқ етакчиси 35 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Сербия ўлкасининг экс-президенти Милан Мартич қотиллик, қийноққа солиш, депортация ва тинч аҳолини қувгин қилишда айбдор, деб топилди. Айбловлар ичида 1995 йил Хорватия пойтахтини ракета ёрдамида ўққа тутиш ҳам бор. Хабарларга қўра, Гаага суди хорватиялик серблар етакчисини 35 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган.



ланарлиси шундаки, Мартич қамоққа олинмаган, балки халқаро судга ўз ихтиёри билан таслим бўлган.

Хитой: Ўхшаши исмлар ислоҳоти

Газетамизнинг ўтган сонида Хитой ҳукумати мамлакатда бир хил фамилияли кишилар қўпайиб бораётганидан хавотирда эканлиги ҳақида хабар берилган эди. Ҳозир мақсуд масала ҳукумат томонидан жиддий муҳокама этилмоқда.




иероглифларнинг эскирган шакллари қўллаш тақиқланади. Мазкур лойиҳага мувофиқ, фамилия олти иероглифдан ошмаслиги лозим. Ўн саккиз ёшдан ошганларга фамилияларини фақат бир марта ўзгартириш ҳукуқи берилди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда бир хил фамилияли одамлар сонининг ҳаддан зиёд қўпайиши ушбу ислотни амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди. Айни вақтда аҳолининг 85 фоизи, яъни 1,3 миллиард кишига юзта фамилия тўри келади. Умумий ҳисобда эса расман 1600 та фамилия ишлатилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 1,28 миллион янги фамилия пайдо бўлиши кутилмоқда.

Япония: Пластик халталар — зарарли!

Қунчиқар мамлакат ҳукумати атроф-муҳитга катта таъсир солаётган кичик омилни топи.



Экологик муаммоларнинг келиб чиқишига пластик халталар сабаб бўлмоқда. Шу сабаб мамлакат раҳбарияти харид вақтида бериладиган бепул пластик халталарни қисқартиришга киришди. Уларнинг ўрнига табиий матолардан ишланган сумкалар тақриф этилмоқда.

Мамлуотларга қўра, Япония дўконларида бир йилда хариддорларга катта ҳажмдаги халталарнинг 3 миллиардга яқини тарқатилади, умумий ҳисобда эса улар 300 миң тоннани ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир япон хонодонидан чиқадиган чикидиларнинг 60 фоизи пластик халталардан иборат. Эколог мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат ҳатто денгиз жониворларининг ўлимига ҳам сабаб бўлаётир. Шу сабаб Япония ҳукумати пластик ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулот ҳажмини 20-50 фоизга камайтиришни назарда тутувчи шартномани имзолади. Айрим дўконларда эса бундай маҳсулотлар бепул берилмайдиган бўлди.

Бельгия: Демократлар ғолиб


Бельгияда навбатдаги парламент сайловлари бўлиб ўтди.



Парламент сайловларида Христиан демократлари ва "Фламандлар" партияси етакчилиги қўлга киритиб, парламентдаги 150 ўриндан 130 та-сига эга бўлди.

Буюк Британия: 11 кеча уйқусуз

Англия фуқароси Тони Райт сурункасида 11 кеча ухламади.




Бироқ, Англиянинг жанубий-гарбий қисмида жойлашган Пензана шаҳрида истиқомат қилувчи 42 ёшли фуқаронинг ушбу натижаси Гиннеснинг рекордлар китобига киритилмади. Чунки бир неча йил олдин бундан ҳам юқори кўрсаткич қайд этилган.

Тони Райтнинг айтишича, бундай оғир имтиҳонни амалга ошириш учун унга "тош асри

Индонезия: Террорчи кўлега тушди

Жанубий-Шарқий Осиёда фаолият олиб бораётган "Жамоа Исломи" террорчи гуруҳи раҳбари Абу Даяна кўлега олинди.



У Индонезия полицияси томонидан қидирилаётган шахслар рўйхатини "бошқариб" турганди. Мамлакат полициясининг хабар беришича, мақсуд ташкилот 2002 йилда Баги оролин содир этилган портлашларни ташкиллаштиришда ва бошқа зўравонликларни амалга оширишда айбланади. Ушанда камида 200 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган, қурбонларнинг аксар қисми эса хорижий сайёҳлар эди.

Ғама — 2007

ҲОСИЛ МЎЛ, ХИРМОН БАРАКАЛИ


Қумқўрган туманидаги 475 та фермер ҳужайлиги аъзолари бу йил 600 гектар ерга сара дон уруғини сеиб, астойдил меҳнат қилишди. Сугориш ва минерал ўғитлар билан озик-лантириш ишлари агротехника талаблари асосида оли-то-бида бажарилди.

Айни кунларда галлазорларда иш қизғин. Фермерлар, мутасадди ташкилотлар ходимлари, қўринг-чи, ҳамма халқ ризиқни нест-нобуд қилмай иштигириб олишга киришган.

— Ҳар куни 650-700 тонна галла қабул қилаямиз, — дейди "Шўрчидонмаҳсулотлари" акционерлик жамиятига қарашли Қумқўрган дон қабул қилиш шохбчаси бошлиғи Қуррам Бўронов. — Шу кунга қадар ўттиздан ортиқ фермер ҳужайлиқлари шартномавий режаларни ортиги билан бажарди. Айниқса, "Сайхун", "Саодат", "Турдибобо", "Бобот" каби фермер ҳужайлиқларининг галла хирмони баракали бўлди.

Дон қабул қилиш шохбчаси ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Чори Шодмонқуллов, Акмал Чориев, Сафар Норматов сингари механизматор ва ишчилар қабул қилинган галлани махсус техникалар ёрдамида бел-гиланган масканларга жойлаштириш ишларини зўр иштиёқ билан олиб боришмоқда.

Т. МАҲМАДАЛИЕВ, "Адолат" мухбири



Истиқлол шарафати билан юртимизда қадриятларимиз тикланди, миллий урф-одат, анъаналарга эътибор ошди. Жумладан, ўзининг жозибадорлиги билан дунё халқларини ҳайратга солиб келган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўли гул усталарга кенг имкониятлар яратиб берилди. Ота-боболаримиздан келатган касб-кор, ҳунар турлари қайтадан жонланди.

Ҳозирги кунда Республика миллий ҳунармандлар уюшмасининг 16 миңдан зиёд аъзоси бор. Уларнинг барчаси ҳунармандчилик билан шуғулланмоқда. Ҳар йили қарийб 700 нафардан зиёд ёшларга бу касб сирлари ўргатиб келин-

моқда. Қувонарлиси, қўли гул усталар ноёб ва бежирим маҳсулотлари билан хориж давлатларида кўргазмалар ташкил қилиб, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, маланиятимизнинг қадимий ва нафисроқ намуналарини намойиш этишмоқда.

Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси Расул Пулатов ана шундай тажрибали усталардан. У узоқ йиллардан буён наққошлик ва ҳаттотлик билан машғул. Расул ака фаолияти давомда қўллаб-қувватларни воёга етказди ва буғун ҳам ўзининг ана шу эзу ишларини давом эттириб келмоқда.

Суратларда: уста Расул Пулатов шоғирди билан; миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари.

Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар



Юртимиз шифо масканлари

«МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ»



Инсоннинг энг катта бойлиги, бу унинг соғлиғидир. Шу боис, халқимиз: «Саломатлик — туман бойлик», дейди. Жисмонан соғлом инсон соғлом фикрлайди, бу унинг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, отахоналаримиз, модомларимиз дуога қўл очганларида Оллоҳдан тинчлик-омонлик билан бирга, албатта, сиҳат-саломатлик сўрашади.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида туб ўзгаришлар рўй берди, юзлаб замонавий шифоҳоналар, кўрам қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда санаторий-профилакторийлар қурилиб ишга туширилди, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ана шундай шифо масканларидан бири Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Зангиота зам-зам» санаторийсидир.

Гарчи бу оромгоҳ йигирма йиллар муқаддам ташкил этилган бўлса-да, унинг фаолияти тўхтаб қолган эди. 2004 йилнинг апрель ойида санаторийнинг мулкчилик шакли ўзгартирилиб, унда кенг қамровли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Масъуляти «чекланган жамият шакли»да фаолиятини қайта бошлаган жамоа қиска вақт мобайнида даволанувчиларнинг эътиборига тушди. Кўпбал инсонлар бу масканда ўз дардларига шифо топишди.

Санаторий ҳудудидан чиққан шифобахш минерал сув аксар касалликларга шифо бўлмоқда. Бу ҳақда «Зангиота зам-зам» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абду-муҳтор Маматбоев шундай дейди:

— Шифобахш минерал сувимиз ҳақида эшитган беморлар узоқ-яқиндан ташриф буюришмоқда. Мижозларимиз орасида республикамизнинг турли вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни Қозғистондан келиб даволанаётганлар кўп. Беморларимизнинг аксарияти шартнома асосида даволанишмоқда. Шу билан бирга, бизда нақд пул тўлаш орқали ҳам даволаниш мумкин.

Минерал сув Н.Семашко номидаги институт лабораториясида кимёвий таҳлилдан ўтказилганда унинг таркибиде кўплаб моддалар, чунончи, бром ва кремний кислотаси сероблиги ҳамда органик углеводлар мўллиги аниқ-

ланди. Одам организмнинг таянч ҳамда ҳаракат органларини, асаб, юрак, қон-томир, тери, гинекологик касалликлар ва бошқа хасталикларни даволашда бу шифобахш сув жуда қўл келаятир. Тагин ундан сурункали гастрит, колит, жигар, буйрак касалликларини даволашда ҳам фойдаланилмоқда.

Санаторий қиска вақт мобайнида замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозланди. Энди даволанувчилар шу жойнинг ўзида тиббий қўриқдан ўтишлари мумкин. Курсатилётган сифатли хизматдан, шифокорлар муолажасидан даволанувчилар жуда мамнун.

— Мен Чинозданман. Ўн икки йилдан бери оғир оғриб, азоб берадир, — дейди Бибиш Абдураимова. — Охири тўрт ойда буткул тушқача михлиб қолдим. «Зангиота зам-зам»нинг шифобахш суви ҳақида эшитганимдан сўнг, шу ерга келиб даволанишни ниёт қил-

дим. Санаторийда мен дардлардан халос бўлдим, ҳасани ташладим. Бунинг учун шифокорлардан миннатдорман. Улар бизни нафақат дори-дармонлар, балки ширин сўзлари билан ҳам даволашмоқда.

Сирдарёлик Одил Азизбоев санаторийга келиб даволангач, ошқозон оғриғидан халос бўлганини, энди ўзини яхши ҳис қилаётганини айтди. Унга, айниқса, бу ердаги шарт-шароитлари жуда ёқибди.

Ҳа, санаторийда ором олиб, дардларига шифо топаётганлар «Зангиота зам-зам» шифокорларидан миннатдор. Шифокорлар эса мижозларнинг бир оғиз: «Мен сиздан шифо топдим», деган самимий сўздан бошлари осмонда. Негаки, сўлим гўшада жойлашган, атрофи ям-яшил арчалар билан бурканган бу оромгоҳ чиндан ҳам аjoyиб шифо масканига айланади, эл эътиборини қозонган.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, "Адолат" мухбири

ХҲЖАЛИК БОШҚАРУВИ

УНИНГ ХУДУДИЙ ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳар қандай фаолиятда муваффақиятларнинг сарови сифатида ишчи-ҳодимларнинг манфаатдорлиги, моддий-маънавий рағбатлантирилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таъқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ ҳўжаллиги соҳасида фаолият юритувчи ишчи-ҳодимларни рағбатлантиришнинг моддий томонидан қўра, маънавий жиҳати кўпроқ аҳамиятга молик экан.

Албатта, ҳар қандай тақдир-лашнинг моддий воситаси алоҳида қимматга эга. Лекин қишлоқ аҳолиси учун эл-юрт олдида эътирофга сазовор бўлиш жуда катта мадад рағбат омилдир. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчи ташкилот фаолиятининг, дейлик, телевидение орқали намойиш этилиши қишлоқ ахли хотирасида ўчмас эз колдирарди, меҳнатқашларнинг гайратига гайрат қўшади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, рағбатлантириш воситалари орасида моддий жиҳатлар, хусусан, пул орқали рағбатлантириш мумкин омил саналади. Лекин бу восита мақсадни тўла рўёбга чиқармайди. Маълумки, аграр сектордаги ишчи-ҳодимларнинг ўз томоркалари ва

чорва моллари бор, қишлоқ ҳудудига натурал айирбошлаш мавжуд. Шу боис пул қиймати шаҳардагидея катта рол ўйнамайди. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, корхона маҳсулотини ҳодимларга пастроқ нарҳда сотиш уларнинг маҳсулот сифатига эътиборли муносабатда бўлишларига олиб келади. Ҳодимларни қўллаб-қувватлашнинг яна бир шакли, уларнинг зарур туловларини корхона ҳисобидан ўтказиб бериш. Фарзандга, унинг тарбиясига эътибор ўзбеклар учун жуда муҳим қадрият. Шу сабаб, корхона раҳбариятининг ҳодимлар фарзандига кўрсатадиган ғам-хўрлиги қучли мотивация омилли ҳисобланади.

Аграр ҳўжалиқларни

бошқаришдаги асосий масалалардан яна бири ҳодимлар малакасини мунтазам ошириб боришдир. Маҳсулотларни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиқига янги технологияларнинг кириб келиши муносабатларнинг малакасини изчил ошириб боришни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон маҳсулоти жаҳон бозорларида харидорнинг ва рақобатбардош бўлиши лозим. Ҳодимларни ўқитиш ва малакасини ошириш тадбирларини шаҳарларда, вазириликлар қошида ташкил этганда кўра, илгор корхоналар ҳудудидея, уларнинг тажрибасига асосланган ҳолда ташкил этган маъқул. Бу усул кутилганидан

ҳам яхши самара беради. Республикаимиз аграр секторига фермер ҳўжалиқлари улушининг ортиб бориши, мулкчилик ҳамда ҳўжалиқ юртишининг янги шакли ривожланаётгани муносабати билан ташкил этилаётган ҳўжалиқларга давлат томонидан сармоя ва кредитлар ажратилиши энг долзарб масалалардан биридир. Ушбу тадбирни амалга оширишда раҳбариятдан топқирлик ва юзага келаятган муаммоларни оқилона ҳал эти олиш малакаси талаб этилади.

Дилшоҳ РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси тинчловчиси

